

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТОЛИБОВ ДИЛШОД СИРОЖОВИЧ

**АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИНИ ЭРТА ТАШҲИСОТИ ВА
ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ,
МЕНЕЖМЕНТ ТЕРАПИЯ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Толибов Дилшод Сирожович

Альцгеймер касаллигини эрта ташҳисоти ва прогнозлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш, менежмент терапия 3

Толибов Дилшод Сирожович

Разработка новой технологии ранней диагностики и прогнозирования болезни Альцгеймера, менеджмент терапия 31

Tolibov Dilshod Sirojovich

Development of a new technology for early diagnosis and prediction of Alzheimer's disease, management therapy 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 61

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТОЛИБОВ ДИЛШОД СИРОЖОВИЧ

**АЛЬЦГЕЙМЕР КАСАЛЛИГИНИ ЭРТА ТАШҲИСОТИ ВА
ПРОГНОЗЛАШНИНГ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ,
МЕНЕЖМЕНТ ТЕРАПИЯ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Tib391 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tipme.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Рахимбаева Гульнора Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алимов Улугбек Худоярович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация химояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «06» сентябр соат 14 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44, e-mail: info@tipme.uz)

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (91 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент, Мирзо-Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 51 уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44)

Диссертация автореферати 2021 йил «21» чюкб кун тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Убайдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Г. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Альцгеймер касаллиги асосан кекса ёшдаги шахслар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, у меҳнатга лаёқатсизлик ва жиддий дезадаптацияга олиб келадиган нейродегенератив жараён. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳозирги кунда дунёда 47 миллионга яқин одам деменция касаллигига чалинган бўлиб, уларнинг сони 2030 йилга келиб 75 миллионга ва 2050 йилга келиб 140 миллионга етиши кутилмоқда»¹. Халқаро The Alzheimer's Association International (AAIS) ташкилоти маълумотиغا кўра деменция ёши улуг аҳоли қатлами орасидаги ногиронликнинг асосий сабабларидан бўлиб, унинг ривожланишида етакчи ўринни Альцгеймер касаллиги (АК) эгаллайди. Касалликни авж олишини эрта ташхислаш, асоратларини олдини олиш ҳамда даво чораларини такомиллаштириш, ногиронлик даражасини камайтириш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда Альцгеймер касаллигида деменция олди босқичини эрта ташхислаш, нейродегенератив жараённи авж олишини секинлаштириш ва индивидуал даволашнинг замонавий ёндашувига қаратилган кенг кўламдаги илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада АК ривожланиш маркерларини эрта аниқлаш, турли вариантларда намоён бўлувчи нуклеотидлар полиморфизминини баҳолаш, ВАСЕ1дан генлар экспрессия бўлишинини бошқарувчи сифатида намоён бўладиган микро-РНКни аниқлаш, геном технологиялари ва биоинформатика ёрдамида АК ташхисоти самарадорлигини баҳолаш, замонавий даволаш ва ижтимоий тадбирларни самарадорлигини ошириш ва оптималлаштириш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. АКни эрта ташхислашнинг юқори технологик диагностика усуллари ва даволаш мезонларини оптималлаштириш ҳамда ўрта даражадаги когнитив бузилишлар ривожланиш омилларини ва прогнозининг самарали моделларини яратиш, шунингдек, профилактик фармакологик таъсир имкониятларини баҳолаш кабилар ўзига хос аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда АК билан хасталанган беморларга ногиронлик кўрсаткичларини белгилашнинг кенг қамровли ягона тизимини яратиш, ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

¹WHO. The epidemiology and impact of dementia: Current state and future trends. – Geneva: World Health Organization; 2018. – 88 p.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ – 4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. АКнинг эрта ташхисоти ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан АКнинг Alzheimer's Disease Centers, Alzheimer's Disease Neuroimaging Initiative (АҚШ), AddNeuroMed clinical center (Европа), Scientific centers of Alzheimer's Disease Neuroimaging Initiative (Япония, Австралия ва Хитой), National Alzheimer's Coordinating Center, National Cell Repository for Alzheimer's Disease (Вашингтон) томонидан олиб борилмоқда. Шулар қаторида илмий тадқиқотлар VTT Technical Research Centre (Финляндия), National Health Service (Буюк Британия), Centre National de la Recherche Scientifique (Франция), University of Kuopio (Финляндия), King's College London (Буюк Британия), Karolinska Institutet (Швеция), Università degli Studi di Milano (Италия) ва Kobenhavns Universitets (Дания), РТФА Неврология илмий маркази (Россия Федерацияси), Беларуссия давлат тиббиёт университети (Белоруссия), Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон), Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

АКнинг янги патогенетик жабҳаларини аниқлаш ва улар асосида такомиллаштирилган самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. АК мавжуд беморлар қон зардобидан РНК ёки ДНК биомаркерларни аниқлаш усули ишлаб чиқилган (Alzheimer's Disease Center, UK; Biomedical Research Institute, Seoul National University Hospital, South Korea; Москва Давлат Университети, Россия). Ташқи ва ички муҳит омилларининг таъсирида АК турли шаклларида намоён бўлувчи нуклеотидлар полиморфизми асосланган (The University of Pittsburgh Alzheimer Disease Research Center, USA); ВАСЕдан генлар экспрессияси бошқарувчиси ҳисобланган микро-РНКни аниқлаш тадқиқотлар натижаларига биноан уни АК ривожланиш маркери

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.uwa.edu.au, www.en.sjtu.edu.cn, www.utoronto.ca, www.case.edu, www.en.uni.lu, www.iso.nbu.edu.cn, www.iums.ac.ir, www.asu.edu ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

сифатида қараш мумкин (National Academy of Sciences, USA). Геном технологиялар ва биоинформатика қўлланилган қонни таҳлил қилишга асосланган тадқиқотлар АК ташҳисотида хулосалар чиқаришга имкон берган (National Institute on Aging, National Institutes of Health, USA). Охирги тадқиқотлар маълумотларига кўра, оқсиллар, транскриптлар ва бошқа компонентлар АК мавжуд беморлар қонида ёки орқа мия суюқлигида бор бўлади ва касалликнинг патологик биомаркерлари ҳисобланиши аниқланган (National Center for Biotechnology Information, USA).

Дунёда Альцгеймер типли деменцияларни эрта ташҳислашда генетик хусусиятлар ва биокимёвий маркерларни илмий асослашга қаратилган бир қатор инновацион илмий йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан АКнинг эрта ва кеч босқичларида когнитив бузилишлар ривожланишининг нейродегенератив жараёнга боғлиқлигини эрта аниқлаш; АК ривожланишида молекуляр генетик ва биокимёвий хусусиятларининг ўрнини асослаш; касалликка олиб келадиган патоген оқсилларни молекуляр механизмларини аниқлашни оптималлаштириш; АКда деменция олди босқичини эрта ташҳислаш, нейродегенератив жараённи авж олишини прогнозлаш ва индивидуал даволашнинг юқори технологик усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотлар маълумотларига кўра, дунё миқёсида 47,5 млн аҳолида кузатилган деменциянинг 60-70% ҳолатлари АКга тўғри келади. АК эрта ташҳисотида касаллик ривожланиши хавф омилларини инобатга олиш, клиник белгиларини аниқлаш, неврологик статусни баҳолаш, лаборатор таҳлиллар ва бошқалар киради (Shaw L.M. et al, 2019; Рахимбаева Г.С., 2020). Охирги йилларда бу касалликни эрта ташҳислаш мақсадида АКнинг неврологик, биокимёвий ва генетик биомаркерлари фаол равишда аниқланмоқда. Хусусан, АКнинг патогенетик тавсилотлари аниқланганда патологик жараённинг муҳим механизми билан боғлиқ орқа мия суюқлиги маркерлари топилган (Hampel N. et al, 2018; Jack S. et al, 2019). Ликвор биомаркерларини аниқлаш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиши АК ташҳисини белгилаш борасида янги даврга қадам қўйиш учун сабаб бўлди. Улар қаторига орқа мия суюқлигида бета-амилоид, тау-протеин ва фосфорилланган тау-протеинни аниқланиши, F18-дезоксиглюкоза (ФДГ) ва лигандаларининг (питтсбург омиллари – PIB) позитрон-эмиссион томография (ПЭТ)да аниқланиши киради (Емелин А.Ю., 2016; Blennow K., 2018). Ликвор биомаркерларини аниқлаш текширувнинг диагностик ва прогностик аниқлигини оширади. Бироқ қондаги специфик биомаркерларни аниқлашга қаратилган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган. Шунингдек, АКнинг эрта ташҳисотида нейропсихологик, нейрокимёвий ва нейровизуализацион кўрсаткичлар таққосланмаган ва бу кўрсаткичлар асосида комплекс баҳолаш ҳақида хулосалар келтирилмаган.

Етакчи олимлар тавсиясига кўра, АКни даволаш воситаларига енгил ва ўрта оғир деменция босқичларида холинэстераза ингибиторларидан донепезил, ривастигмин ёки галантамин, ўрта оғир ва оғир деменция

босқичларида мемантин гидрохлорид киради (Farlow M.R., 2017; Мажидова Ё.Н., 2019). Бугунги кунда АКни даволаш ва профилактикасида радикал даво воситалари мавжуд эмас. Касаллик терапиясининг мақсади – деменция босқичлари ривожланишини секинлаштириш, оғир асоратларнинг олдини олишдир. Тадқиқотларда мемантин гидрохлоридни ўрта оғир ва оғир АКда узоқ вақт қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги тасдиқланган (Гаврилова С.И., 2018; Plosker G.L., 2019).

Ўтказилган тадқиқотларга қарамадан, хорижий адабиётларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам, АКни диагностик ва даволаш мезонлари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас. Шунга мувофиқ, когнитив бузилишлар, ва бу бузилишлар ривожланиб бориши ҳамда АКга конверсия қилиниш хавфи бор беморларни деменция олди босқичларида аниқлашга имконият яратувчи нейрпсихологик, нейровизуализацион ва нейробиокимёвий текширувларининг комплекс усулларини такомиллаштириш, ушбу патологияни эрта аниқлашга ёрдам беради ва янги диагностик имкониятларни очилишига имкон яратади. Бу мазкур масалага йўналтирилган тадқиқотларни давом эттириш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ 01.11.00.158. рақамли «Альцгеймер касаллигини эрта диагностикаси ва прогнозлашнинг янги технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Альцгеймер касаллигини эрта босқичларини ташхисоти ва прогнозлаш алгоритмининг оптималлаштириш ҳамда даволаш чораларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Альцгеймер касаллиги ва СМИ мавжуд беморларда клиник-неврологик симптоматикани ва когнитив функциялар ҳолатини махсус нейрпсихологик шкалалар (Хачинский, ADAS-cog, MMSE, Reisberg, CDR) ёрдамида текшириш;

ПТАК, СТАК ва қон-томир деменцияли СМИ мавжуд беморларда бош миянинг структур-морфологик ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида нейровизуализацион текширувни амалга ошириш;

нейровизуализацион ўзгаришларни махсус баҳоловчи шкалалар (МТА, Koedam, Fazekas) орқали текшириш ва клиник белгилар билан боғлиқлигини аниқлаш;

когнитив ўзгаришлар мавжуд беморлар қон зардобини иммунофермент таҳлили орқали β -амилоид ($A\beta_{42}$) ва аполипопротеин Е4 (АроЕ4) генотипи миқдорини аниқлаш ва ўзгаришларини таққослаш;

когнитив ўзгаришлар мавжуд беморларни скрининг қилиш мақсадида беморлар қон зардобини иммунофермент таҳлил қилиш ёрдамида Fe^{2+} катализатори билан оксидлашдан олдин ва кейинги дегидроэпиандростерон-сульфат (ДГЕА-с) миқдорини аниқлаш;

аниқланган биомаркерлар миқдорини клиник-нейропсихологик кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлигини текшириш;

Альцгеймер касаллигини ривожланишининг прогностик хавф омилларини аниқлаш ва кўп омилли математик таҳлил орқали ушбу касалликни башорат қилиш;

Альцгеймер касаллигини эрта ташҳисоти алгоритминини ишлаб чиқиш;

Альцгеймер касаллигини даволашда когнитив бузилишлар ривожланишига NMDA рецепторлари антагонисти ва ноотроп воситаларининг таъсир самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2018 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг клиникаси, Тошкент шаҳар 1-сон шаҳар клиник руҳий шифохонасида Альцгеймер типли деменцияси бўлган 124 та бемор ва қон томир деменцияли II-III босқичдаги дисциркулятор энцефалопатия билан бош миянинг сурункали ишемияси (СМИ) мавжуд 112 та бемор, 30 нафар соғлом қишлоқликлар (назорат гуруҳи) олинган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг қон зардоби намуналари, клиник, нейропсихологик, нейровизуализацион текширувлар ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажаришда клиник-неврологик, нейропсихологик (Хачинский, ADAS-cog, MMSE, Reisberg, CDR шкалалари), нейровизуализацион (бош мия МРТси), иммунофермент текшириш усуллари (қонда Аβ42, АроЕ4, ДНЕА-с миқдорлари кўрсаткичлари) ва кўп омилли математик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Альцгеймер касаллигининг эрта ва кеч босқичлари ҳамда қон-томир деменциясидаги когнитив бузилишлар авж олиши олий нерв фаолияти билан узвий боғлиқлиги аниқланган;

Альцгеймер касаллиги мавжуд беморларда когнитив бузилишлар ва касалликнинг оғирлик даражаси билан дегидроэпиандростерон-сульфат миқдори орасидаги манфий корреляция аниқланган;

беморлар қон зардобидида Аβ42 ва АроЕ4 патологик оқсиллари АКнинг эрта диагностикасида ҳамда СМИда кузатиладиган когнитив бузилишларни таққослама ташҳислашда клиник аҳамияти исботланган;

когнитив бузилишларнинг клиник-биокимёвий, нейропсихологик, нейровизуализацион ва лаборатор кўрсаткичлари асосида Альцгеймер касаллигини эрта ташҳисоти диагностик кетма-кетлиги оптималлаштирилган;

Альцгеймер типли деменциянинг енгил ва ўрта оғирликдаги беморларда когнитив бузилишлар базис давоси NMDA-антагонисти ва ноотроп воситалар қўллаш билан такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Альцгеймер касаллигини эрта ташҳислаш ва прогнозловчи предикторлар ҳисобга олинган ҳолда кўп омилли математик модель яратилган;

қон зардобидида АКнинг биомаркерларини аниқлашдан иборат бўлган иммунофермент текширувини АК диагностик алгоритмига қўшилиши АК эрта босқичларини аниқлаш учун тавсия этилган;

когнитив ўзгаришлар мавжуд беморларда клиник, нейровизуализацион ва иммунофермент усуллари комплекс қўллаш орқали АК ривожланиши мумкин бўлган хавф гуруҳлари аниқланган;

АКни прогнозлашда яратилган кўп омилли математик модел, ташҳислаш мезонлари ва алгоритми соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида эрта ташҳислашда ҳамда СМИдан дифференциал диагностикада қўлланилган;

когнитив ўзгаришлар мавжуд беморларда МТА, Koedam, Fazekas шкалалари орқали баҳолаш асосида АК эрта ташҳисот мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг услубияти ва дизайни амалий жиҳатдан соғлиқни сақлаш даражасида бажарилганлиги; тадқиқотнинг ўзи мазкур ишда қўйилган мақсад ва вазифаларга мос ҳолда бажарилганлиги, замонавий тиббий-статистик усуллардан фойдаланганлиги; ишлаб чиқилган алгоритмни когнитив ўзгаришлар билан оғриган беморларда диагностик ва терапевтик ёндашувларни такомиллаштириш амалиётига самарали жорий этилганлиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти когнитив ўзгаришлар мавжуд беморларни комплекс равишда клиник, нейропсихологик, нейровизуализацион, иммунофермент текширувларини ўтказиш орқали АКнинг прогностик биомаркерларини аниқлаш ва таққослаш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон беради, ишлаб чиқилган математик модел АК хавф гуруҳларини прогнозлашга қулайлик яратади, даволаш чоратадбирларини ўтказиш асосида касалликнинг кечиш оғирлигини камайиши ва замонавий даволаш тамойиллари яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, альцгеймер типли деменцияларнинг эрта диагностикаси ҳамда замонавий даволаш тамойилларини эрта қўллаш деменцияларнинг оғир асоратларини олдини олиш имконини беради, шунингдек, ҳар хил даражадаги когнитив бузилишлар билан оғриган беморларда ногиронликни эрта олдини олиш ва ижтимоий-иқтисодий етишмовчиликлар чорасини ўз вақтида қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. АК мавжуд беморларда когнитив бузилишларни эрта ташҳислаш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Альцгеймер касаллиги эрта босқичларини ташҳислаш усули»га Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 05494, 27.11.2017 й.). Натижада Альцгеймер касаллигининг эрта босқичларини батафсил аниқлаш, диагностикани соддалаштириш, текширув вақтини 3 баробар камайтириш имконини берган;

Альцгеймер касаллигининг эрта ташҳисоти бўйича олинган илмий натижалар асосида «Альцгеймер касаллигининг эрта ташҳисотининг янги усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8н-д/244-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Альцгеймер типли деменцияларнинг эрта диагностика ва прогнозлаш технологиясини оптималлаштириш имконини берган;

Альцгеймер типли деменцияда менежмент терапияси бўйича олинган илмий натижалар асосида «Альцгеймер типли деменцияда менежмент терапияни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 декабрдаги 8н-д/244-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Альцгеймер типли деменцияларнинг замонавий даволаш усуллари яхшилаш имконини берган;

Альцгеймер типли деменцияларнинг ривожланишини эрта диагностик мезонларини қўллаш ва замонавий даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотнинг тизимли таҳлили бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент шаҳар 7-сонли клиник шифохонаси, Наманган шаҳар 1-сонли клиник шифохонаси, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, шунингдек Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 7 январдаги 8н-з/7-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаси АКни эрта босқичларида ташҳислаш, прогнозлаш ва замонавий дифференциаллашган даволаш муддатини қисқартириш ҳамда асоратларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацияда баён этилган асосий ҳолатлар 15 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 10 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан 2 та услубий тавсиянома, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати очиб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот

ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тизимли равишда келтирилган. Мазкур қисмда диссертация натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ифодаланган бўлиб, апробация ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Альцгеймер касаллиги муаммоларининг замонавий кўринишлари”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда дунёнинг турли мамлакатларида АК тарқалиши, касаллик ривожланишининг хавф омиллари таҳлил қилинган. АК ривожланишининг патогенетик биомеханизмалари ёритиб ўтилган. АК мавжуд беморларга клиник баҳо берилган. АК эрта ташҳисоти муаммолари, даволашга замонавий ёндашувлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Альцгеймер касаллигининг эрта ташҳисоти ва замонавий даволаш тамойиллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот давомида текширилган беморларнинг умумий тавсифи, текширув материаллари ҳақида маълумотлар берилган. Тадқиқот давомида 236 нафар бемор текширилган бўлиб, улар 3 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳга 65 ёшгача учрайдиган пресенил типли Альцгеймер касаллиги мавжуд (ПТАК) 71 та бемор, 2-гуруҳга 65 ёшдан кейин учрайдиган сенил типли Альцгеймер касаллиги (СТАК) мавжуд 53 та бемор, 3-гуруҳга бош мия сурункали ишемияси (ДЭ II-III босқич қон-томир деменцияси билан) мавжуд 112 та бемор киритилган. Назорат гуруҳига субъектив шикоятлари ва объектив неврологик симптоматикаси йўқ 30 та амалий соғлом, кўнгилли текширилувчилар киритилган.

Барча беморларга клиник-неврологик текширув усули ва когнитив функциялар ҳолатини аниқлаш мақсадида махсус баҳоловчи нейропсихологик тестлар (Хачинский, MMSE, ADAS-cog, CDR, Reisberg) қўлланилди.

Когнитив бузилишлар генези, бош миядаги ўзгаришлар ҳолатининг структурасини аниқлаш мақсадида МРТ текшируви ўтказилди. Бош мия структур ҳолатини баҳолашда махсус шкалалардан (МТА, Fazekas, Koedam) фойдаланилди.


Беморлар қон зардобидида АК биомаркерларини аниқлаш мақсадида иммунологик текширув ўтказилди. Бета-амилоид оқсил 1-42 ($A\beta_{1-42}$) ва аполипопротеин Е4 ни аниқлашда Human amyloid beta 1-42 ($A\beta_{1-42}$) ELISA Kit ва Human Apolipoprotein E4 (Apo-E4) ELISA Kit иммунофермент текшируви тўпламидан, дегидроэпиандростерон сульфат (ДГЭА-с) ни аниқлашда ImmunoFA-DGEA-S иммунофермент текшируви тўпламидан фойдаланилди. Қон зардобидида ДГЭА-с миқдори Fe^{2+} катализатори билан оксидланиш орқали оксидланишдан олдин ва кейинги миқдори таҳлил этилди ва таққосланди.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили ўртача арифметик катталиқ (M), ўртача арифметик катталиқ хатолиги (m), чизикли корреляцион

коэффициент (r), ишончлилик коэффициентида иборат вариацион статистика усули ёрдамида ўтказилди. Ўртача фарқларнинг ишончлиги ишонч интервали 95% бўлган ҳолда Стьюдент мезони бўйича баҳоланди ($p < 0,05$).

Диссертациянинг «Альцгеймер типдаги нейродегенератив касалликлар мавжуд беморларнинг клиник характеристикаси» деб номланган учинчи бобда АК ва СМИ мавжуд беморларнинг клиник-неврологик ва нейропсихологик текширув натижалари баён этилган.


Беморларнинг ёши бўйича тақсимоти 1-расмда келтирилган.



1-расм. Беморларнинг ёшига мувофиқ тақсимланиши (%)

1-расмдан кўриниб туриптики, когнитив ўзгаришлар билан шикоят қилувчи беморлар энг кўп миқдорда 1-гуруҳда 55-59 ёш оралиғида, 2-гуруҳда 65-69 ёш оралиғида, 3-гуруҳда 60-64 ёш оралиғида, жами 60-64 ёш оралиғида учради.

Беморларнинг жинс бўйича тақсимоти 2-расмда келтириб ўтилган.



2-расм. Беморларнинг жинсига мувофиқ тақсимланиши (%)

2-расмдан кўриниб турганидек, барча гуруҳда аёлларнинг фоиз миқдори устунлик қилди.

Когнитив бузилишлари бор беморлар хотира сустлашишига (91% ҳолатда), ақлий меҳнат қобилиятининг пасайишига (76% ҳолатда), сўзларни танлай олишдаги қийинчиликларга (47% ҳолатда), диққатни битта нарсага жамлашнинг камайишига (77% ҳолатда), чарчаш кучайганлигига (65% ҳолатда), бош оғриқларига (15% ҳолатда), тизимсиз бош айланиши ва кўнгил айланишига (45% ҳолатда), бошдаги шовқинларга (37% ҳолатда) энг кўп шикоят қилишди.

Объектив кўрикда эрта босқичларда ўзига хос мимика – кўзнинг катта очилганлиги (35%), ҳайрон қолиш мимикаси (41%), кўзни кам пирпиратиш (39%) кўзга ташланди. Бу ҳолат турли адабиётларда “Альцгеймерча ҳайрон қолиш” деб берилган. Нотаниш жойда ориентир олишнинг ёмонлашганлиги кузатилган. Хулқ-атворида регрессивлик: палпислик (68%), тез-тез кетишга ҳозирлик кўриш (42%), стереотиплик (48%), ригидлик (46%) қайд этилган. Бемор билан суҳбат вақтида диққат бузилиши (81%), нигоҳнинг беқарорлиги (77%), стереотипли юлғич ҳаракатлар (65%) кўзга ташланади.

Когнитив бузилишлар ҳолатини билиш учун махсус нейрпсихологик шкалалардан (Хачинский, MMSE, ADAS-cog, CDR, Reisberg) фойдаланилди. Хачинский шкаласи бўйича текширув натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Хачинский шкаласи орқали беморларни текшириш

Баллар йиғиндиси	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши							
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		Жами	
	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%
	M±m		M±m		M±m		M±m	
≤ 4	63	26,7	46	19,5	-	-	109	46,2
	3,52±0,05		3,045±0,22		-		3,81±0,07	
4–7	8	3,4	7	3,0	-	-	15	6,4
	5,32±0,19		5,38±0,15		-		5,15±0,18	
≥ 7	-	-	-	-	112	47,4	112	47,4
	-		-		10,9±0,14		10,9±0,14	
Жами	71	30,1	53	22,5	112	47,4	236	100
	3,25±0,12		3,14±0,19		10,9±0,14		7,87±0,22	

Изоҳ: p<0,05

1-жадвалга кўра, когнитив ўзгаришлари мавжуд 15 та бемор (6,4%) 4 ва 7 балл оралиғидаги натижаларга эга бўлди (1-гуруҳдан 8 та, 2-гуруҳдан 7 та). Бундай натижаларда нейродегенератив жараёнлар генезини аниқлаш мавҳум бўлиб, деменция аралаш, яъни ҳам қон-томирли, ҳам нейродегенератив сабабли бўлиши мумкин (“кулранг майдон”). Бундай ҳолатда ташҳис қўйиш учун кўшимча диагностик текширув усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Беморлардаги когнитив ўзгаришлар даражасини аниқлаш мақсадида MMSE шкаласидан фойдаланилди. MMSE шкаласи орқали текширув натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Беморларни MMSE шкаласи орқали текшириш

MMSE шкаласи бўйича когнитив вазифалар бузилиши даражалари	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши									
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		назорат гуруҳ		жами	
	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%
	M±m		M±m		M±m		M±m		M±m	
когнитив бузилиши йўқ	-	-	-	-	-	-	30	11,3	30	11,3
	-		-		-		27,15±0,12		26,25±0,16	
когнитив бузилишлар	-	-	-	-	8	3	-	-	8	3
	-		-		22,47±0,27		-		25,52±0,57	
енгил даражали деменция	5	1,9	-	-	29	10,9	-	-	34	12,8
	19,95±0,60		-		22,85±0,19		-		22,62±0,35	
ўрта оғир даражали деменция	33	12,4	21	7,9	48	18	-	-	102	38,3
	14,12±0,29		11,88±0,21		16,2±0,40		-		15,14±0,33	
оғир деменция	33	12,4	32	12	27	10,2	-	-	92	34,6
	8,1±0,21		8,18±0,15		7,89±0,29		-		7,15±0,14	
Жами	71	26,7	53	19,9	112	42,1	30	11,3	266	100
	11,52±0,41		10,24±0,36		12,95±0,85		27,49±0,19		15,4±0,68	

Изох: p<0,01

2-жадвал натижаларига кўра, барча гуруҳларда ўрта оғир ва оғир деменция улуши кўп (мос равишда 38,3% ва 34,6%) учради. Бундан кўриниб турибдики, когнитив бузилишлар эрта босқичларда аниқланмайди.

Аналогик кўрсаткичлар CDR, ADAS-cog, Reisberg шкалалар орқали текширилганда аниқланди (3-, 4-, 5-жадваллар).

3-жадвал

Беморларни CDR шкаласи орқали текшириш

CDR шкаласи бўйича деменцияни ривожланиш даражалари	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши									
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		назорат гуруҳ		жами	
	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%
деменция йўқ (CDR-0)	-	-	-	-	-	-	30	11,3	30	11,3
шубҳали деменция (CDR-0,5)	-	-	-	-	3	1,1	-	-	3	1,1
енгил деменция (CDR-1)	21	7,9	1	0,4	27	10,2	-	-	49	18,5
ўрта оғир деменция (CDR-2)	26	9,8	19	7,1	53	19,9	-	-	98	36,8
оғир деменция (CDR-3)	24	9	33	12,4	29	10,9	-	-	86	32,3
Жами	71	26,7	53	19,9	112	42,1	30	11,3	266	100

Изох: p<0,01

CDR шкаласи ёрдамида текшириш орқали гуруҳлар бўйича балларнинг ўртача кўрсаткичлари аниқланди: 1-гуруҳ– $2,9 \pm 0,22$, 2-гуруҳ - $2,2 \pm 0,06$ ва 3-гуруҳ– $2,81 \pm 0,07$ ($p < 0,01$).

4-жадвал

ADAS-cog шкаласи орқали беморларни текшириш

Кўрсаткичлар	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши				
	1-гуруҳ	2-гуруҳ	3-гуруҳ	назорат гуруҳ	жами
абс.	71	53	112	30	266
%	26,7	19,9	42,1	11,3	100
$M \pm m$	$55,7 \pm 3,51$	$60,8 \pm 3,45$	$45,6 \pm 1,78$	$5,6 \pm 0,51$	$50,63 \pm 7,6$

Изоҳ: $p < 0,05$

5-жадвал

Беморларни GDS шкаласи орқали текшириш

GDS шкаласи бўйича даражалар	Текширилувчиларни гуруҳларга тақсимланиши									
	1-гуруҳ		2-гуруҳ		3-гуруҳ		назорат гуруҳ		жами	
	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%	мутлақ сони	%
1 – норма	-	-	-	-	-	-	30	11,3	30	11,3
2 – субъектив когнитив бузилишлар	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3 – энгил когнитив бузилишлар	4	1,5	-	-	14	5,2	-	-	18	6,7
4 – ўртача когнитив бузилишлар	19	7,1	9	3,4	24	9	-	-	52	19,5
5 – ўрта оғир когнитив бузилишлар	16	6	27	10,2	42	15,9	-	-	85	32,1
6 – оғир когнитив бузилишлар	20	7,5	11	4,1	13	4,9	-	-	44	16,5
7 – ўта оғир когнитив бузилишлар	12	4,6	6	2,2	19	7,1	-	-	37	13,9
Жами	71	26,7	53	19,9	112	42,1	30	11,3	266	100

Изоҳ: $p < 0,01$

Беморларни GDS шкаласи орқали текширганда гуруҳларда балларнинг ўртача кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат бўлди: 1-гуруҳ – $4,96 \pm 0,12$, 2-гуруҳ – $5,65 \pm 0,14$ ва 3-гуруҳ – $5,07 \pm 0,18$ ($p < 0,01$).

Диссертациянинг «Альцгеймер касаллиги ва миянинг сурункали ишемияси мавжуд беморларни лаборатор-инструментал текшириш

натижалари» деб номланган тўртинчи бобида барча гуруҳга тегишли текширилувчиларни лаборатор ва инструментал текширув натижалари келтириб ўтилган.

Тадқиқотни ўтказиш учун қуйидаги ташҳисга эга 134 нафар бемор танланди: пресенил типли АК (n=32), сенил типли АК (n=33) и сурункали мия ишемияси (n=69), шунингдек 20 та амалий соғломдан иборат бўлган назорат гуруҳи. Беморлар қон зардобида биомаркерларни аниқлаш натижалари б-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Текширилувчиларда биомаркерлар комплексини аниқлаш натижалари (n=154)

Гуруҳ	бета-амилоид оксил (Aβ1-42), пг/мл	аполипо-протеин E4 (ApoE-4), нг/мл	дегидроэпиандростерон сульфат (ДГЭА-с), мкмоль/л	
			оксидланишдан олдин	оксидлангандан кейин
1-гуруҳ (n=32)	486,19±27,07	40,09±2,40	2,13±0,12	2,41±0,15
2-гуруҳ (n=33)	565,73±20,07	49,94±1,70	1,81±0,16	1,97±0,16
3-гуруҳ (n=69)	339,13±7,25	25,62±0,77	2,38±0,19	3,90±0,23
Назорат гуруҳи (n=20)	248,80±1,74	15,60±0,15	3,05±0,08	5,64±0,12

Барча гуруҳ беморлари қонидаги аполипопротеин E4 (ApoE-4) ва бета-амилоид (Aβ1-42) биомаркерлари миқдори кўрсаткичлари назорат гуруҳи билан солиштирганда СМИ гуруҳида паст натижаларни (Aβ1-42 - 339,13±7,25 пг/мл ва ApoE-4 - 25,62±0,77 нг/мл) кўрсатди. Бунда Aβ1-42 миқдори соғлом одамлар қон зардобидаги кўрсаткичларга нисбатан 33,2% га (меъёрдаги миқдори – 260,0 пг/мл гача), ApoE-4 миқдори эса 58,6% га (меъёрдаги миқдори – 17,0 нг/мл гача) ошди.

АК эрта босқичлари мавжуд беморларда Aβ1-42 миқдори соғлом одамлар қон зардобидаги миқдorigа нисбатан 109,9% га (2,1 маротаба), ApoE-4 миқдори эса 180,6% га (2,8 маротаба) ошди. АК кечки босқичлари мавжуд беморларда Aβ1-42 миқдори соғлом одамлар қон зардобидаги миқдorigа нисбатан 2,3 маротаба, ApoE-4 миқдори эса 3,2 маротаба ошди.

ДГЭА миқдорини аниқлаш учун қон зардобини оксидлаш натижасида учинчи ва назорат гуруҳида ДГЭА миқдорининг бирдан ошиши, АК мавжуд беморлар қон зардобида эса ДГЭА миқдорининг ўзгармаслиги ёки бироз ўзгариши кузатилди. Бизнинг натижаларимиз шуни кўрсатдики, қонни оксидлаш натижасида ДГЭА миқдорини аниқлаш тести АК эрта босқичларидаёқ ташҳислаш ва уни ривожланиши мониторингида қўлланилиши мумкин.

1-гуруҳдаги (n=32) 5 та (16%) беморда ўртача таҳлил натижалари АК ташҳисини тасдиқламади ва ДГЭА миқдори оксидланишдан олдин 2,3±0,28

мкмоль/л, оксидланишдан кейин $3,28 \pm 0,51$ мкмоль/л, Аβ1-42 – $292,0 \pm 14,63$ пг/мл ва АроЕ-4 – $20,2 \pm 0,20$ нг/мл ни кўрсатди. Бу кўрсаткичлар когнитив бузилишларнинг бошқа этиологияли эканлигидан дарак берди. 27 (84%) беморда ўртача таҳлил натижалари ДГЭА миқдори оксидланишдан олдин $2,13 \pm 0,13$ мкмоль/л, оксидланишдан кейин $2,29 \pm 0,13$ мкмоль/л, Аβ1-42 – $524,54 \pm 27,09$ пг/мл ва АроЕ-4 – $43,96 \pm 2,22$ нг/мл ни кўрсатди. Бу кўрсаткичлар АК ташҳисини тасдиқлайди ва бизнинг натижалар АК эрта ташҳисотида ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу тестни қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Ривожланиб бўлган АКнинг кечки босқичларида ушбу диагностик усулни қўллаш даволаш самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилди.

2-гурухда 33 та беморда қон зардобида биомаркерлар аниқланди ва таҳлил натижалари АКни тасдиқлади: ДГЭА нинг ўртача миқдори оксидланишгача $1,81 \pm 0,16$ мкмоль/л ни, оксидланишдан сўнг $1,97 \pm 0,16$ мкмоль/л ни, Аβ1-42 – $565,79 \pm 20,07$ пг/мл ва АроЕ-4 – $49,94 \pm 1,7$ нг/мл ни ташкил қилди.

3-гурухда (n=69) 53 та (77%) беморда ўртача таҳлил натижалари ДГЭА миқдори оксидланишдан олдин $2,59 \pm 0,23$ мкмоль/л, оксидланишдан кейин $4,34 \pm 0,24$ мкмоль/л, Аβ1-42 – $332,64 \pm 3,94$ пг/мл ва АроЕ-4 – $24,91 \pm 0,42$ нг/мл; 9 та (13%) беморда ўртача таҳлил натижалари ДГЭА оксидланишдан олдин $1,40 \pm 0,20$ мкмоль/л, оксидланишдан кейин $1,53 \pm 0,19$ мкмоль/л, Аβ1-42 – $443,33 \pm 20,88$ пг/мл ва АроЕ-4 – $37,89 \pm 1,45$ нг/мл; 7 та (10%) беморда ўртача таҳлил натижалари ДГЭА миқдори оксидланишдан олдин $2,11 \pm 0,57$ мкмоль/л, оксидланишдан кейин $3,67 \pm 0,75$ мкмоль/л, Аβ1-42 – $240,0 \pm 11,55$ пг/мл ва АроЕ-4 – $15,0 \pm 0,53$ нг/мл ни кўрсатди. Аниқроқ қилиб айтганда, 3-гурухда таҳлил натижалари 9 та (13%) беморда АКга хос ўзгаришларни, 7 та (10%) беморда эса физиологик нормал қаришга хос ўзгаришларни кўрсатди. Бу кўрсаткичлар беморларга ташҳис қўйиш ва даволаш чора-тадбирларини қўллашда лаборатор усулни комплекс қўллаш самарадорли эканлигини намоён қилади.


Ушбу тадқиқотимизда биомаркерлар (Аβ1-42, АроЕ-4, ДГЕА-с) кўрсаткичларини нейропсихологик шкалалар (Хачинский, MMSE, CDR, GDS) бўйича турлича балларга эга бўлган гуруҳлар билан солиштирдик.

1-гурух беморларида биомаркерлар комплексини (Аβ1-42, АроЕ-4 ва ДГЕА-с) аниқлаш натижаси, “кулранг майдон”га кирувчи 3,4% беморларнинг таҳлил натижалари АК мавжуд беморлар таҳлил натижалари билан мос эканлигини кўрсатди. Демак 1-гурухда “кулранг майдон”га кирувчи беморларни АК мавжуд беморлар сафига қўшиш мумкин.


2-гурухда баллар таҳлили бўйича “кулранг майдон”га кирувчи беморларнинг (3%) биомаркерлар кўрсаткичлари ҳам АК мавжуд беморлар таҳлил кўрсаткичларига мос келди. Аниқроқ қилиб айтганда, биомаркерлар комплексини аниқлаш усулини қўллаш Хачинский шкаласи билан нейродегенератив жараённинг сабабини аниқлаш мавҳум бўлиб қолганда беморларни гуруҳларга тақсимлашга, шунингдек биомаркерлар натижаларига кўра аниқ патология ташҳисотига ёрдам беради.

3-гурӯҳда Хачинский шкаласи бўйича кўрсаткич 7 баллдан (ўртача $10,9 \pm 0,14$) юқорини ташкил этди. Лекин 16 та (23%) беморда биомаркерлар натижаси кўрсаткичлари Хачинский шкаласи кўрсаткичларига мос келмади. Шундан 9 та (13%) беморда биомаркерлар (A β 1-42, AроЕ-4 ва ДГЕА-с) кўрсаткичи АК га мос кўрсаткичларига мос келди, 7 та (10%) беморда биомаркерлар (A β 1-42, AроЕ-4 ва ДГЕА-с) кўрсаткичлари нормал қариш кўрсаткичларни кўрсатди. Бундан кўриниб турибдики, 3-гурӯҳнинг 53 та (77%) беморини шубҳасиз қон-томир сабабли нейродегенератив патология мавжуд беморлар сафига қўшиш мумкин. 3-гурӯҳнинг 9 та (13%) беморини АК мавжуд беморлар, 7 та (10%) беморини эса нормал қариш жараёни мавжуд индивидлар сафига қўшиш мумкин.

Когнитив ўзгаришлар мавжуд беморларда MMSE, CDR ва GDS усулларини қўллаганда СМИ ва АК эрта босқичларини дифференциал ташҳис қилишда катта қийинчиликлар юзага келди. Бироқ биомаркерлар комплексини қўллаш СМИ ва АК эрта босқичларини дифференциал ташҳис қилишда ёрдам берди (3- ва 4-расмлар).



3-расм. MMSE шкаласи бўйича турлича ифодаланган балларга эга беморлар гуруҳларида биомаркерлар мажмуини аниқлаш натижалари (n=134)



4-расм. CDR шкаласи бўйича турлича ифодаланган балларга эга беморлар гуруҳларида биомаркерлар мажмуини аниқлаш (n=134)

GDS шкаласи билан биомаркерлар кўрсаткичини солиштирганимизда MMSE ва CDR кўрсаткичлари каби натижани намоён қилди.

Шундай қилиб, MMSE, CDR и GDS усуллари ўтказишда қийинчиликлар юзага келганда, ушбу усуллари биомаркерлар комплекси билан қўллаш АКнинг эрта ва кечки босқичларини СМИдан фарқлашга имконият яратади. Биомаркерларни (ДГЕА-с, АроЕ-4 ва Аβ1-42) комплекс равишда аниқлаш АКни эрта ташхисотида ва хавф гуруҳини аниқлашда, шунингдек тўғри ташхис қўйишда имкон яратди.

Когнитив ўзгаришлар мавжуд 86 та беморда этиологик омилни аниқлаш мақсадида МРТ текшируви ўтказилди ва МТА, Fazekas, Koedam шкалалари орқали баҳоланди.

АКнинг пресенил ва сенил типига эга беморларда МРТ суратларида шикастланиш даражасининг деменция оғирлиги, артериал гипертензия, беморлар ёши билан боғлиқлиги таҳлил қилинди.

Пресенил ва сенил типли АК мавжуд беморларда МРТ маълумотлари билан клиник белгилар ва бемор ёши орасидаги корреляция маълумотлари.


Таҳлил қилинаётган алоқа	Корреляциянинг аҳамияти (p<0,05)	
	ПТАК	СТАК
Беморлар ёши	Йўқ	Бор
Деменция босқичи	Бор	Бор
Артериал гипертензия мавжудлиги	Йўқ	Йўқ

7-жадвалдаги маълумотларига биноан, иккала гуруҳдаги беморларда деменция оғирлик даражаси ва бош мия пўстлоғи, гиппокамп марказининг зарарланишлари орасида аҳамиятли корреляция мавжуд бўлди. Шикастланишнинг беморлар ёш билан боғлиқлиги фақат АКнинг сенил типли мавжуд беморларда кузатилди. Артериал гипертензия ва шикастланишларнинг орасидаги боғлиқлик гуруҳларнинг ҳеч қайсисида аниқланмади.

Қон-томирли деменция билан сурункали мия ишемиясида эгатлар ва субарахноидал ликворли бўшлиқлар кенгайиши беморларнинг 48,7% да аниқланди. Бунда ифодаланган пўстлоқ атрофияси фақат 7,8% беморларда кузатилди. МРТ маълумотлари бўйича қоринчалар атрофидаги лейкоареозлар қон томир деменцияли беморларнинг 84,6% да аниқланди.

Бош миянинг пўстлоқ ва пўстлоқ ости структураларининг микдорий кўрсаткичларини МР-морфометрия услуби билан аниқлаш учун модда ҳажми (мм³), майдони (мм²) ва пўстлоқ қалинлиги (мм) каби асосий кўрсаткичлар қўлланилди.

ПТАК, СТАК ва томирли деменцияли беморларда МР-морфометрия маълумотлари бўйича бош миянинг турли бўлимларида пўстлоқ ҳажми (мм³) кўрсаткичларини солиштириш 5-расмда келтирилган.



5-расм. ПТАК, СТАК ва томирли деменцияга эга беморларда мия пўстлоғи ҳажмлари кўрсаткичларини (мм³) солиштириш.

5-расмдан кўриниб турганидек, гиппокамплар, бодомсимон тана, энториал зона, ўрта чакка бурмаси соҳаларида ТДли беморларга солиштирганда ПТАКли беморларда пўстлоқ ҳажми ишонарли камайиши қайд қилинди. ТДга солиштирганда СТАКли беморларда гиппокамплар, бодомсимон тана, энториал зона, пастки тепа ва ўрта чакка бурмалари, шунингдек медиал ва латерал орбито-фронтал соҳалар проекцияларида пўстлоқ ҳажми кўрсаткичларининг ишонарли камайиши қайд этилди. ПТАКдан фарқли ўлароқ, СТАКда гиппокамплар, бодомсимон тана ва энториал зона соҳаларида пўстлоқ ҳажмининг анча ифодаланган камайиши кузатилди. Бундан ташқари, Альцгеймер туридаги деменцияга эга беморларда пастки тепа бурмаси проекциясида, шунингдек медиал орбито-фронтал пўстлоқ соҳасида атрофик ўзгаришлар пайдо бўлиши қайд этилди.

Гуруҳлардаги беморларда специфик атрофик ва томирли ўзгаришларни ўзгаришларни баҳолаш нейрорадиологик шкалалар қўлланилган ҳолда амалга оширилди (натижалар 8-жадвалда тақдим қилинган).

8-жадвал

Текширилган беморлар гуруҳларида турли нейрорадиологик шкалалар ва кўрсаткичлар натижалари (баллар, $M \pm m$).

Текшириш усули	Беморлар гуруҳлари	
	АК	ТД
МТА шкаласи	2,98±1,09*	3,01±0,69
Koedam шкаласи	1,95±0,88	2,01±0,60
Fazekas шкаласи	1,19±0,72	1,31±1,08
Эслатма: * $p < 0,05$		

МТА шкаласи бўйича ТДли беморлардан фарқли ўлароқ (3,01±0,69), АКли беморлар гиппокамп ҳажми камайиши билан хусусиятланди (2,98±1,09) ($p < 0,05$). Бош миянинг оқ моддаси шикастланиши (Fazekas шкаласи) ва тепа соҳаси атрофиясини баҳолаш (Koedam шкаласи) натижалари бўйича гуруҳлар орасида ишонарли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$). Бундан ташқари, АКда ТДли беморларга солиштирганда, III қоринча ўлчамларининг ишонарли катталашиши аниқланди ($p < 0,05$), бу, чамаси, анча ифодаланган дегенератив жараён, ва оқибат сифатида ўрнини босувчи гидроцефалия шаклланиши бўлиши мумкин.

Нейровизуализация шкалалари ёрдамида бош мия моддасини баҳолаш атрофик ўзгаришлар ва интеллектуал-мнестик бузилишлар ифодаланганлиги орасида ўзаро боғлиқликни баҳолашга имкон берди (9-жадвал).

9-жадвал

Атрофик ва томирли ўзгаришлар ҳамда когнитив бузилишлар ифодаланганлиги орасидаги корреляцияли ўзаро боғлиқлик.

Нейрорадиологик шкалалар	Нейропсихологик шкалалар	r, Спирмен коэффиценти, $p < 0,05$
МТА	CDR	0,41
	MMSE	-0,32
Fazekas	Тоифали ассоциациялар	-0,46

МТА шкаласида аниқланган гиппокамп ҳажмларининг ўзгариши CDR шкаласи бўйича ёмонлашиш билан бирга кечди ($p < 0,05$; $r = 0,32$). Fazekas шкаласи бўйича бош миянинг оқ моддаси шикастланиши ифодаланганлиги тоифали ассоциация танлови ёмонлашиши билан корреляция қилди ($r = -0,36$; $p < 0,05$). Шундай қилиб, қисқа муддатли хотира бузилиши гиппокамп ўлчамларининг камайиши билан катта даражада боғлиқ бўлди. Дикқат ва фикрлаш тезлиги ҳам умумий кортикал атрофияда, ҳам гиппокамп атрофиясида азият чекди.

Диссертациянинг «Альцгеймер касаллиги ривожланиш хавф омилларини интеграл баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида АКга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш ва прогностик матрица моделини яратиш натижалари келтирилган.

Прогностик матрица моделини яратиш учун АК ривожланиши мумкин бўлган энг муҳим хавф омиллари ҳисобга олинди. Бунда омиллар аҳамияти ва уларнинг градацияси нисбий хавф кўрсаткичи (relative risk — RR) инобатга олинди. АК хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда хавф омилларини прогнозлаш шкаласи ишлаб чиқилди (10-жадвал).

10-жадвал

Альцгеймер касаллиги ривожланиши хавфини комплекс баҳолаш прогностик матрицаси.

АК ривожланиши		%	НИК	RR	ИБ	min.	max.
		19,0					
Ёш	65 ёшгача	14,7	0,774	3,07	2,38	2,38	7,30
	65 ёшдан катта	45,2	2,377		7,30		
Жинс	Эркаklar	16,7	0,877	1,30	1,14	1,14	1,49
	Аёллар	21,7	1,144		1,49		
Маълумоти	олий	23,7	1,25	1,47	1,83	1,25	1,83
	ўрта	16,1	0,85		1,25		
Хачинский шкаласи	2-3 балл	18,4	0,970	1,05	1,02	1,02	1,07
	3-4 балл	19,4	1,019		1,07		
MMSE шкаласи	28-30 балл	0	0	1,23	0	0	1,65
	24-27 балл	0	0		0		
	20-23 балл	0	0		0		
	11-19 балл	20,7	1,089		1,65		
	0-10 балл	25,5	1,342		1,34		
CDR шкаласи	CDR1	17,6	0,929	1,62	1,50	1,50	2,43
	CDR2	22,2	1,170		1,89		
	CDR3	28,6	1,504		2,43		
GDS шкаласи	3-4 балл	18,3	0,963	2,60	2,50	2,11	5,47
	5-6 балл	15,4	0,810		2,11		
	7 балл	40,0	2,105		5,47		
ADAS-Cog шкаласи	<40 балл	22,9	1,203	1,35	1,62	1,20	1,62
	>40 балл	16,9	0,891		1,20		
ДГЭАс	>4,9 мкмоль/л	13,6	0,718	2,16	1,55	1,55	3,34

	<4,9 мкмоль/л	29,4	1,548		3,34		
АроЕ4	15-17 нг/мл	3,1	0,164	8,47	1,39	1,39	11,80
	18-80 нг/мл	26,5	1,393		11,80		
Аβ1-42	>470 пг/мл	30,8	1,619	1,78	2,89	1,62	2,89
	<470 пг/мл	17,2	0,907		1,62		

Прогностик жадвалда омиллар комплекси диапазоли хам ҳисобланди. Бунда прогностик коэффициентнинг минимал (X) кўрсаткичлари йиғиндиси ҳисобга олинди. Бу кўрсаткич ушбу патологиянинг бошланғич хавфи ҳисобланади. Бу ҳолатда хавф диапазоли 19,2–47,7.

